

International scientific and practical online conference

INTEGRATION INTO THE WORLD AND CONNECTION OF SCIENCES

Международная научно практическая online-конференция

ИНТЕГРАЦИЯ В МИР И СВЯЗЬ НАУК

Beynəlxalq elmi və praktik internet konfransi

DÜNYAYA İNTEQRASIYA VƏ ELMLƏR ARASI ƏLAQƏ

2022

 Baku, Azerbaijan Republic



Conference proceedings available
at virtualconference.press

CONTENTS

LITERATURE

Asadov M – The motif of “Loneliness” in the work “the stranger”.....3

MEDICINE

Эрматов Н, Абдулхаков И. – Қанди диабет билан хасталанган пациентларнинг кунлик овқатланиши рационида меваларнинг тутган ўрни ва ахамияти.....8

Насирдинов М., Эрматов Н. – Темир танқислик камқонлик касаллиги билан хасталанган мактаб ўқувчиларининг кунлик рациони таркибида сут маҳсулотларининг таъминланган даражасини таҳлили.....12

Сагдуллаева М., Эрматов Н, Бобомуродов Т - Муддатида ўтиб туфилган болалар оналари орасида касалланишнинг гигиеник таҳлили.....15

Эрматов Н, Насирдинов М. - Темир танқислик камқонлиги билан хасталанган мактаб ўқувчиларининг қиш фаслида овқатланишини гигиеник таҳлили.....18

Эрматов Н, Насирдинов М - Фарғона вилояти мактаб ўқувчиларининг кунлик овқатланиш тартибини гигиеник таҳлили.....22

Садикова М.А. - Использование ларингеальной маски анестезиологическое обеспечение пациента с тяжелой шейно-грудинной рубцовой контрактурой....25

PEDAGOGY

Shamshiyeva S.A., Noraliyeva M.A. - Oilaviy nodavlat maktabgacha ta’lim tashkilotlarida ta’lim-tarbiya jarayonini tashkil etishda rivojlanish markazlarining ahamiyati.....33

Yarashova N. J. Bolalarning lingvokognitiv taraqqiyotida o‘yinlarning ahamiyati..37

PHILOLOGY

Xudayberdiyeva O. - O‘zbek tilshunosligida gender tadqiqotlar.....43

PHILOSOPHY

Boltaev F.F. - Philosophical analysis of the problem of the origin of language.....46

GENERAL SCIENCE

Тахирова И. О переводе английской фразеологии на русский язык.....50

Kamalova D.K. Role of interpersonal skills in teaching English.....53

Abdumuminova O.A. Professional competence of primary education teacher as a condition for effective implementation of continuity between primary and basic school.....58

MEDICINE

ҚАНДЛИ ДИАБЕТ БИЛАН ХАСТЛАНГАН ПАЦИЕНТЛАРНИНГ КУНЛИК ОВҚАТЛАНИШИ РАЦИОНИДА МЕВАЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Низом Эрматов

Ихтиёр Абдулхаков

Тошкент тиббиёт академияси,

Бухоро давлат тиббиёт институти

Резюме.

Тадқиқотда Бухоро вилояти эндокринологик диспансер ҳисобда турган 1375 нафар (497 нафар эркаклар ва 726 нафар аёллар) олинган пациентлар олинган. Пациентларнинг кунлик таомномаси ва унинг физиологик таркиби СанМваҚ 0007-2020 ва кунлик рационнинг кимёвий таркибининг миқдори «Озиқ-овқат маҳсулотларининг кимёвий таркиби» бўйича амалга оширилди. Қандли диабет билан хасталанган пациентларнинг ёз-куз-қиш-баҳор мавсумларида меваларнинг истеъмол даражасининг гигиеник таҳлилидан кўриниб турибдики, эркаклар орасида йил фаслларида 32,4-34,0-30,4-22,05ни, аёллар орасида эса 32,0-38,0-30,0-18,0% миқдорида истеъмол қилинган. Меваларнинг гуруҳларга ажратишда қуритилган мевалар, узум ва цитрус меваларининг гуруҳларига ажратилган. Қуритилган мевалар миқдори ҳам 25-50%гача, узумнинг миқдори куз масумида узумнинг миқдори эса эркакларда 83,3%га, аёлларда 66,7% га таъминланган. Цитрус меваларнинг миқдори ҳам етарли даражада камлиги, яъни, эркакларда 33,3дан 66,7%гача, аёллар орасида эса 33,3 дан 86,7%гача таъминланган. Таъкидлашимиз жоизки, йилининг тўрттала мавсумида ҳам меваларнинг истеъмол даражасининг камлиги кўриниб турибди. Ушбу маҳсулотларнинг етишмаган миқдори дон маҳсулотлари хисобига бойитилган.

Калит сўзлар. қандли диабет, озиқ-овқат маҳсулотлари, мевалар. Йил фасллари

Муаммонинг долзарблиги. Бугунги кунда мамлакатимизда аҳолининг турли қатламлари орасида нутриентларга боғлиқ касалликларни олдини олишга қаратилган қатор қонуний хужжатлар ишлаб чиқилган. Буларга: 2018 йил 18 декабридаги ПҚ-4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолини жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ 4887-сон «Аҳолини соғлом овқатланишни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларида белгиланган вазифаларни бажаришда микронутриентларнинг етишмаслиги олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқиш билан қандли диабет касаллигининг кескин камайтириш ва асоратларини олдини олиш ва аҳолининг узоқ-умр кўриш давомийлигини узайтириш имконини беради.

Қатор илмий тадқиқотларнинг бажарилишига қарамасдан дунёнинг ривожланган давлатларида нутриентив ҳолат билан боғлиқ касалликлар сони кун сайин ортиб бормоқда. Буларга темир танқислик камқонлик, ортиқча тана вазни ёки тана вазни етишмаслиги, семириш ва қандли диабет касаллиги киради.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда қандли диабет билан хасталанган пациентларнинг касаллигини ривожланишидаги энг асосий хавф омиллардан бири соғлом овқатланишни баҳолаш бугунги кундаги долзарб муамолардан биридир.

Тадқиқотнинг мақсади. Қандли диабет билан хасталанган пациентларнинг кунлик рациона тарикбида меваларнинг ўрни ва аҳамиятини гигиеник таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг материал ва усуллари. Тадқиқотда Бухоро вилояти эндокринологик диспансер ҳисобда турган 1375 нафар (497 нафар эркаклар ва 726 нафар аёллар) олинган пациентлар олинган.

Тадқиқотлар йилнинг ёз, куз, қиш ва баҳор мавсумларида алоҳида мавсум мисолида ҳар ойнинг боши, ўртаси ва ойнинг охирида, жами йил давомидаги таомноманинг таркиб ва тузилиши бўйича таҳлил қилинди. Пациентларнинг

кунлик таомномаси ва унинг физиологик таркиби СанМваҚ 0007-2020
«Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ёшга, жинсга ва касбий фаолияти гуруҳлари учун соғлом овқатланишни таъминлашга қаратилган ўртача кунлик рационал овқатланиш нормалари» талабларга мослиги солиштирилиб таҳлили қилинди. Кунлик рационнинг кимиёвий таркибининг миқдори **«Озиқ-овқат маҳсулотларининг кимёвий таркиби»** бўйича амалга оширилди.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлашда «Statistica for Windows 7,0» персонал компьютерининг амалий дастур пакетидан фойдаланилди.

Олинган натижаларнинг таҳлили. Қандли диабет билан хасталанган кунлик овқатланиш рационини йилнинг тўртта фаслида 38-та маҳсулотлар ичидаги меваларни қийматини гигиеник таҳлил қилдик.

Меваларнинг истеъмол даражасининг гигиеник таҳлилидан кўриниб турибдики, иккала жинс орасида ушбу маҳсулотларнинг истеъмоли турличалиги баҳоланди.

Қандли диабет билан хасталанган пациентларнинг ёз-куз-қиш-бахор мавсумларида меваларнинг истеъмол даражасининг гигиеник таҳлилидан кўриниб турибдики, эркаклар орасида йил фаслларида 32,4-34,0-30,4-22,05ни, аёллар орасида эса 32,0-38,0-30,0-18,0% миқдорида истеъмол қилинган. бу эса ушбу контингент орасида витаминлар миқдорининг етишмаслигига шароит туғдиради.

Меваларнинг гуруҳларга ажратишда қуритилган мевалар, узум ва цитрус меваларининг гуруҳларига ажратилган. Қуритилган мевалар миқдори ҳам 25-50%гача, узумнинг миқдори куз масумида узумнинг миқдори эса эркакларда 83,3%га, аёлларда 66,7% га таъминланган. Цитрус меваларнинг миқдори ҳам етарли даражада камлиги, яъни, эркакларда 33,3дан 66,7%гача, аёллар орасида эса 33,3 дан 86,7%гача таъминланган.

Таъкидлашимиз жоизки, йилининг тўрттала мавсумида ҳам меваларнинг истеъмол даражасининг камлиги кўриниб турибди. Ушбу маҳсулотларнинг етишмаган миқдори дон маҳсулотлари ҳисобига бойитилган.

Хулоса сифатида таъкидлашимиз жоизки, қандли диабет билан хасталанган пациентларнинг кунлик рационини нон ва нон маҳсулотлари хисобига бойитилган, меваларнинг миқдорининг кескин камайганлиги, пациентларнинг соғлом овқатланиш борасидаги тушунчаларининг етишмаслигидан далолат беради. Бу эса соматик касалликларнинг сонини ортиши, иммунитет тизимининг издан чиқиш ва метаболик ўзгаришларнинг юзага келишига шароит яратади.